

КАСАБА СОЮЗЛАРИ—КОММУНИЗМ МАКТАБИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 41 (3779). | Чоршанба, 28 февраль 1968 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ПАРТИЯ БИЛАН БИРГА— ЛЕНИН ЙЎЛИДАН

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIV СЪЕЗДИ

Меҳнат аҳли амалий масалаларини муҳофаза қилмоқ учун яна ватанимизнинг пойтахти Москвага тўланди. 27 февралда Кремлда меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти бўлган ва 80 миллиондан ортиқ кишини ўз сафларида бirlаштирган СССР касаба союзларининг XIV съезди очилди.

Эрталаб соат 10. Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитулов, Ф. Д. Кулаков, М. С. Соломенцев ўрдоқлар залга кириб келганларидан делегатлар ва меҳмонлар уларни гулдурас қарсақлар билан қутиб оладилар.

ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин СССР касаба союзларининг XIV съездини очиб деб эълон қилди. Шундан кейин президиум бир овоздан сайланади. Барча тармоқ касаба союзларининг вакиллари, мамлакатимиздаги барча иттифоқдор республикаларнинг вакиллари президиум составига сайланади.

Делегатлар Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сибий Бюросини янги баъдан руҳ билан съездининг фахрий президиумига сайладилар.

Делегатлар съездининг раҳбар органларини — секретариатини, редакцион ва мандат комиссияларини тузишга киришадилар.

Съездининг кун тартиби ва иш тартиби бир овоздан тасдиқланади. Қўйидаги масалалар XIV съездининг муҳокамасига қўйилади:

1. Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий советининг ҳисоботи.

2. Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи.

3. Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий совети ва марказий ревизия комиссиясини сайлаш.

КПСС Марказий Комитети Сибий Бюросининг аъзоси, партия Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленкога сўз берилди.

А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг СССР касаба союзлари XIV съездинга табриқномасини ўқиб берди. Делегатлар ва меҳмонлар партиянинг меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилотига муножаат қилиб айтган сўзларини эур эътибор билан тинглайдилар. Съезд аҳли тартиқоманинг янгиловчи сўзларини гулдурас қарсақлар билан қутиб оладилар.

Съезд кун тартибидан биринчи масалани муҳофаза қилишга киришди. ВЦСПС раиси А. Н. Шелепин ВЦСПСнинг ҳисобот докладини қилди.

(А. Н. Шелепин докладнинг баёни 2-бетда босилапти).

БУДАПЕШТДА МАСЛАХАТ УЧРАШУВИ

БУДАПЕШТ. 27 февраль. (ТАСС). Кеча Будапештда коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари маслаҳат учрашуви ишга киришди.

МТИ агентлиги хабар беради. Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар учрашувда қатнашаётган партия

ларнинг вакиллари Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитети номидан табриқладилар.

БУДАПЕШТ. 27 февраль. (ТАСС). МТИ агентлиги хабар беради: коммунистик ва ишчи партиялар вакиллари маслаҳат учрашуви бугун ўз ишини давом эттирди.

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIV СЪЕЗДИГА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР касаба союзлари XIV съездининг делегатларини ва улар орқали коммунизм қурувчилари бўлган қаҳрамон ишчилар синфини, мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини қизғин табриқлайди.

Самодержавиега ва капитал зулмига қарши синфий жанглар алағасида тутилган мамлакатимиз касаба союзлари Коммунистик партия раҳбарлигида катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Улут Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси жаҳонда биринчи марта касаба союзлари олдида мутлақо янги вазифалар қўйди. Улут Ленин касаба союзларини бошқариш мактаби, ҳужалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби, деб таърифлаб, уларнинг фаолиятидаги энг асосий йўлни жуда аниқ белгилаб берди.

Совет касаба союзлари — Коммунистик партиянинг актив ёрдамчилари, партия сибасини саноат билан амалга оширувчилар, оммаининг синалган ташкилотчилари. Социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳамма босқичларида совет касаба союзлари партия ўзларига тоштирган вазифаларни шараф билан бажариб келдилар ва бажармоқдалар. Мамлакатини индустриаллаштириш ва қишлоқ ҳужалигини социалистик асосда қайта қуриш учун курашда, маданий революцияни амалга оширишда, Улут Ватан гуруҳининг дахлатли йилларида меҳнаткашларнинг куч-ғайратини фашизмни тор-мор келтиришга сафарбар этишда, урушдан кейин мамлакат экономикасини қайтадан тиклаш ва унинг ишлаб чиқарувчи кучларини қудратли суратда юксалтиришда, социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасида касаба союзлари жуда катта роль ўйнади. Касаба союзлари ўзларининг бутун ишларини интернационализм принциплари асосида қуриб, барча миллат меҳнаткашларини жипслаштиришда, СССР халқларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда партияга ёрдам бермоқдалар. Коммунистик партия, совет халқи Владимир Ильич Ленин васиятларини изчиллик билан рўёбга чиқараётган касаба союзларининг революцион, жанговар ва меҳнат хизматларини юксак баҳолайдилар.

Эндиларда, коммунизм қуриш даврида касаба союзларининг жамиятимиз иқтисодий, ижтимоий, сибсий ва маънавий ҳаётидаги роли тобора кўпроқ ўсиб бормоқда.

Партиямиз ўз программасида, XXIII съезд қарорларида коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги иқтисодий ва ижтимоий-сибсий вазифаларини белгилаб берди. Бу вазифаларни амалга оширмоқ учун бутун совет халқининг ижодий куч-ғайрати ва меҳнатдаги активлигини янада ривожлантириш зарур. Ана шундай шароитда касаба союзлари 86 миллион кишилик армиясининг ташкилотчилик ва тарбиявий ролини ошириш айнисқа муҳим.

Совет касаба союзлари социалистик мусобақа ва коммунистик меҳнат ҳаракати байроғини тагин ҳам баланд кўтаришлари, оммаининг меҳнат ғайрати ва сибсий активлигини авж олдиришлари, беш йилликни муддатидан олдин тугаллаш ва В. И. Ленин тутилган кунининг 100 йиллигини мубосиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда меҳнаткашларнинг коллективларига ҳар томонлама ёрдам беришлари, саноат ва қишлоқ ҳужалик меҳнатчиларининг ватанпарварлик ташаббусларини актив қўллаб-қувватлашлари, уларнинг тажрибасини оммалаштиришлари, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самардорлигини ошириш учун, техникани такомиллаштириш, меҳнатни, ишлаб чиқаришнинг ва бошқаруви илмий ташкил этишни жорий қилиш негизда ижтимоий меҳнат унвдорлигини янада ошириш учун кенг жабҳа бўйлаб кураш олиб боришлари лозим.

Ҳозирги шароитда одамларни тарбиялаш тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда, бу ишда касаба союзлари актив қатнашмоқдалар. Касаба союзлари оммаининг коммунистик онглигини ошириш, уларни совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида, меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг ишчилар синфининг революцион ва меҳнат традициялари тимсолида тарбиялаш масалаларини билан бундан буён ҳам кун сайин шугуллана беришларига шакл-шубҳа йўқ.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини янада ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, дам олишнинг уюштириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — касаба союзларининг жона-

жон ишидир. Меҳнат тўғрисидаги қонунларга қандай риоя қилинаётганини, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планлари қандай бажарилаётганини контроль қилишни қўлайтириш, савдо ва умумий оватланиш корхоналари, аҳолига медицина, коммунал ва маиший хизмат кўрсатувчи корхоналар ишнини яхшилашга эришиш — касаба союзларининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Болаларни тарбиялашда меҳнаткаш аёлларга, ишловчи оналарга ҳар томонлама ёрдам бериб туриш, болалар боғчалари, аслилари, пионер лагерлари қуриш планларининг ўз вақтида бажарилишига ва уларнинг ишнини яхшилашга эришиш керак.

Ижтимоий муносабатларини янада такомиллаштиришда, социалистик демократияни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг кенг оммаининг давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишда касаба союзлари катта роль ўйнайди. Колхозларда касаба союзи ташкилотлари тузилиши билан касаба союзларининг қишлоқ ҳужалик маҳсулотларини етиштиришни қўлайтириш ҳамда шаҳар билан қишлоқнинг турмуш даражасини, индустриал ишчи билан қишлоқ меҳнатчисининг меҳнат даражасини бир-бирига яқинлаштиришдан иборат энг катта социал вазифалардан бирини ҳал этишдаги масъулияти ҳам ошди.

Совет касаба союзлари ўзининг XIV съездинга катта тажриба билан бойгон ҳолда келди. Касаба союзларининг ташкилотчилик ва тарбиявий иш савиясини бундан буён ҳам муттасил ошириб бориш, иш услуби ва методларини такомиллаштириш, омма билан алоқасини кенгайтириш, тақдир ва ўз-ўзини таққиди, ишчанлик ва ишда конкретлигини ривожлантириш, касаба союзлари ҳар бир комитети ва советининг жанговарлигини, барча касаба союз аъзолари активлигини ошириш лозим.

Советлар мамлакат тарихий тараққиётининг ҳамма босқичларида бўлгани каби, ҳозирги пайтда ҳам совет касаба союзлари синфий бирдамлик, пролетар интернационализм байроғини баланд кўтариб бормоқда, чет эл меҳнаткашлари билан, прогрессив касаба союз марказлари билан дўстлигини ривожлантиришда, халқлар ишчилар ҳаракатининг синфий революцион принципларига асосланган бирлиги учун яқин кураш олиб бормоқда. Америка империализмининг ивгаворликларини, Америка агрессорларининг Вьетнамдаги қонли ёвузликларини ва бедоллигини, Ғарбий Германияда янги фашизм ва милитаризм қайтадан тикланиётганини бутун совет халқи билан бирга касаба союзлари ҳам таза билан қоралайдилар.

Совет касаба союзлари ўзининг тинчлик учун, социал тараққиёт, жаҳон ишчилар ҳаракатининг бирлиги учун олиб бораётган изчил кураши тўғрисида барча мамлакатлар ишчилар синфининг, меҳнаткашларининг ҳурмат ва эътиборига сазовор бўлди. Пролетар интернационализм принципларига содиқ бўлган совет касаба союзлари бундан буён ҳам империалистик реакция ва уруш кучларига қарши, тинчлик, демократия, илмий мустақиллик ва социализм учун курашувчиларнинг биринчи сафларида бораперадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети касаба союзлари XIV съездининг делегатларига самарали ишлашларини тилайди ва қаттиқ ишонч билдириб айтдики, СССР касаба союзлари партия раҳбарлигида, давлат органлари билан яқиндан ҳамжиҳат бўлиб ишлаб, ҳужалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда тагин ҳам активроқ қатнашади, КПСС XXIII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун жонбозлик билан кураша беради.

Ишасин бошқариш ва ҳужалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

Ишасин мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш учун курашда илгор ва етакчи онгли куч бўлган совет ишчилар синфи! Коммунизм қурувчиси, меҳнаткашлар озолиги, тинчлиги ва бахт-саодати учун доворак курашчи бўлган улут совет халқига шон-шарафлар!

Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК
ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КЎКЛАМНИ ШАЙЛАНИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК!

Оққўрғон районидagi «Озод» колхозининг механизаторлари кўк-лам экиш кампаниясига қизғин тайёрланиптилар. Улар ғайрат кўрсатиб ишлаб қисқа вақт ичида экиш агрегатларининг ҳаммасини сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар. Суратда (чапдан) М. Чинпулатов ва Э. Қўчқоров ўрдоқлар ремонтдан чиқарилган техникани қайта текширувдан ўтказмоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

КАРТОШКА ЭКИШ БОШЛАНДИ

Областимизнинг илгор ҳужаликларидида эртанги картошка экишга киришилди. Жуда кўп сабазавоткорлар бу ишни қисқа муддатда ўтказиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

Калинин районининг сабзавоткорлари ҳам эртанги картошка экишини бошлаб юбордилар. Об-ҳавонинг қўлай кунларидан унумли фойдаланаётган Охунбобоев номли, «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» ва бошқа колхозларнинг миришкор деҳқонлари картошка экишда агротехника қоидаларига тўла риоя қилиптилар.



ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИНГ КОМАНДИРЛАРИ УЧУН

26 февралда Тошкентда об-ҳаво ва район қишлоқ ҳужалик бошқармаларининг раҳбарлари, област сохвос трестларининг диспетчерлари, қишлоқ ҳужалик ил-мий-тадқиқот муассасаларининг илмий ходимлари ва қишлоқ ҳужалик олий ўқув юрталари ўқитувчиларининг тўрт кунлик республика семинари бошланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. М. Матчонов қишлоқ ҳужалик орган-комплекс механизацияни кенг жорий қилиш масалалари муҳофаза янада юксалтириш соҳасидаги ва-зифалари тўғрисида биринчи лекция ўқиди.

РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАРРАЛАРИ

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати меҳнаткашларининг дастурхонига неча юз хил маҳсулот етказиб бормоқда. Бу йил яна 25 хил янги маҳсулот тайёрланади. «Сўтоқ» фабрикасининг «Оқ олтин» конфетларини, Тошкент булка — кондитер комбинатининг «Сказка» тортини, Ғазалект консерва заводининг томат пастасини, Янгийўл кондитер фабрикасининг «Ароматное» печеньесини маҳсулотининг энг яхши нусхалари даражасига кўтариш ва сифат белгисини берган ҳолда давлат аттестациясига тақдим этишга қарор қилинди. Илҳ охиригача пландан ташқари 3.300 тонна ўсимлик мойи, 4,6 миллион банка консерва, 275 тонна кондитер маҳсулотлари, 30 миллион шина шампанское, 16 миллион доня папирос, сигарет ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мўлжалланди. Таннархон камайтириш ҳисобига қарий 1 миллион сўм фойда олиш кўзда тутилди.

Республика озиқ-овқат саноати министрлиги коллециясининг 26 февралда «Ташкентлино» комбинат клубида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида саноат корхоналари ва совхозларининг коллективлари олган ана шу мажбуриятлар маъқулланди.

Мажлисида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Равсининг ўринбосари А. Р. Хужаев ва СССР Озиқ-овқат саноати министрнинг ўринбосари Н. В. Орешкин қатнашди, (ЎзТАГ).

ҲИСОВЧИЛАР МУКОФОТЛАНДИЛАР

Қишлоқ ҳужалик ишлаб чиқаришда самарали меҳнат қилган, бухгалтерия-экономика ва назорат-тафтиш қилиш ишларини яхши йўлга қўйиб, ҳисоб-китобда прогрессив формалардан моҳирлик билан фойдаланаётган областимизнинг колхоз-совхозларидаги ҳисовчилар, экономистлар, тафтиш комиссияси аъзоларидан 47 киши област партия комитети ва област ижроия комитетининг Фахрий ёриқлари билан мукофотландилар. Мукофотланганлар орасида Калинин районидagi Калинин номли колхознинг бош бухгалтер А. Рафидов, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг бош бухгалтери Юн Н. Ф., 2-«Оҳангар» совхозининг экономисти Х. Шарипов, Бўқа районидagi «Гулистон» колхоз тафтиш комиссиясининг раиси Т. Худойбердиев ва бошқа ўрдоқлар бор.

Далалардан дараклар

Оққўрғон. Ҳамид Олимжон номли колхоздаги ўрдоқ А. Нурматов бошлиқ агроучастканинг иши диққат-эътиборга сазовордир.

Ўтган йили бу участкада ортиқча ҳаражатларни тутатиш соҳасида анчагина ишлар қилинди. Ҳайбаракаллачиларга қарши кескин курашилди. Ортиқча штатлар қисқартирилди.

Оқибатда гектар бошига етиштирилган ҳосил мўлжалдан анча кўч бўлди. Ҳар гектар ердан бир йилнинг ўзида ҳосилдорлик 8 центнерданга кўпайди. Маъмурий ҳужалик аппаратининг қисқартирилиши орқасида участка аъзолари 3200 сўм иқтисод қилиб қолди.

Участка аъзолари ўтган йилги эришилган ютуқларни мустаҳкамлашга. 191 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашиб, дала ишларини кундан-кунга қизитяптилар.

Х. Аҳмедов.

ЧИНОЗ. Охунбобоев номли колхозининг коммунист Мирсоат Устабобоев бошлиқ участкасида дала ишлари қизғин кетляпти. Миришкор деҳқонлар ҳар йилгидек бу йил ҳам ғайрат кўрсатишгапти. Ариқ-зовурларини улар қисқа вақт ичида тозалаб бўлишди. Маҳаллий ўғит чиқаришда анчагина ютуқлар қўлга киритилди. Тракторчиларнинг иши ҳам ёмон бўлмади. Механизаторлар барча

экиш агрегатларини муддатидан олдин экишга тахт қилиб қўйдилар.

Т. Тўхлибоев.

ЯНГИҒЎЛ. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхоз деҳқонлари олдинги марраларини эгаллаш учун ҳаракат қилишгилар. Бу ерда дала ишлари ҳар қачонгидан ҳам қизғин кетляпти. Айниқса, далага маҳаллий ўғит ташиб чиқариш намунаси йўлга қўйилган. Колхозчилар барча имкониятларини ҳисоблаб қўйиб, ҳар гектар ерга 12—15 тоннага етказиб, гўн ва компост тайёрлашга аҳд қилдилар. Тупроқнинг минерал ўғитлар билан бойитишда Т. Абдурахмонов, О. Холмуродов, С. Йўлчиев каби эвено бошлиқлари айниқса ғайрат кўрсатишмоқда. Ҳужаликда далага ташиб чиқарилган ўғит ерга сочилиб,

шудгордан чиқарган майдонлар текисланиб қўйилмоқда.

Қ. Булганбоев.

БЕКОБОД. 2100 гектар майдонининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил етиштириб, давлат оморларига бир неча мининг тонна «оқ олтин» тўққан Ленин номли колхознинг азамат деҳқонлари беш йилликнинг унчинчи йилида ҳам ғайрат кўрсатишгапти.

Улар бу йил ҳар бир гектар ердан камида 35 центнердан ҳосил етиштириш учун курашгилар. Уларнинг бутун кучи ва эътибори экиш кампаниясини қисқа вақтда муваффақиятли ўтказишга қаратилган. Ҳужаликнинг қайси соҳасига қарамаган, иш намунаси кетляпти. Механизаторлар — техниканинг унумли ишлайиш учун барча чора ва тадбирларни кўрмоқда.

Қисқа вақт ичида 32 та ҳайдор трактори, 82 та чопиқ агрегати ремонтдан чиқарилиб қўйилди. 50 та селанга, 33 плуг, 9 та ер текислаш машинаси, бошқа қишлоқ ҳужалик машиналари ҳам тахт қилиб қўйилди. 37 минг кубометр ариқ-зовурнинг яримдан кўпи тозаланиб, созлаб қўйилди. 3000 тоннадан ортиқ гўн жамғарилди.

К. Бегмонов.

КАЛИНИН. Қуйишев номли колхозда далага ўғит чиқариш жадаллаштирилди. Бу ишда мавжуд бўлган транспорт воситалари, от-уловлардан тўлақон фойдаланилгилар. Натикада қисқа вақт ичида икки минг ўғит икки минг беш юз тоннага яқин гўн далага чиқариб қўйилди.

Б. Саидалиев.

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XIV СЪЕЗДИ
БУТУНИТТИФОҚ КАСАБА СОЮЗЛАРИ МАРКАЗИЙ СОВЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ

Союзларни
ларига катти
риилган иш
хсан жавоб
ак.
СССР касан
дан аввалги
ган Устави
аифаларига
ида КПСС
орлари, са
боқшарига
слохотининг
охоналар х

ВЦСПС райси ўртоқ А. Н. ШЕЛЕПИН доклади

БОҒДОРЧИЛИК ДОРИЛФУНУНИ

Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

СЕРҚУЕШ республикаимиз жаҳоннинг энг гузал, ажойиб боғ-роғларга бурканган дийрларидан биридир. Бу дийрнинг боғ-роғларини кўргани, қанду-асал меваларини татигани дунёнинг ҳамма еридан меҳмонлар келиб туришади. Улар ўзбек боғбонининг нозик санъатига, унинг саховатли қўли билан бунёд этилган мева-чеваларга қойил қолишади. Ҳа, Ўзбекистон боғларининг довуғи бутун дунёга ёйилган.

Бу гузал боғлар Октябрь қуёшидан баҳраманд бўлгач, тагин ҳам гуллаб-яшнади. Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар ҳозирги Ўзбекистон территориясида аттиги 59 минг гектар боғ ва узумзор бор эди. Ҳозир эса 140 минг гектар майдонда боғ-роғлар, 57 минг гектар майдонда узумзорлар ястаниб ётибди. Ил сайин 400 минг тонна атрофияда ва ундан ҳам кўпроқ мева ва узум етиштириляпти. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 40 килограммданга тўғри келади. Совет Иттифоқи бўйича олганимизда бу кўрсаткич 2—3 баравар ортиқдир.

Бизнинг пойтахт областимизда 50 минг гектар боғ ва узумзор бор. Боғбон ва соҳибдорларимиз ил сайин 100 минг тоннадан ортиқ мева ва узум етиштиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бу аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 78 килограммни ташкил этади.

Республикаимизда 42 та ихтисослаштирилган боғдорчилик совхозини ташкил этилган. Ана шуларнинг 13 таси бизнинг областимизда. Боғ ва тоқзорларда кетмон ўрини қудратли машиналар эгалламоқда. Ишлаб чиқаришга боғдорчилик экинларининг юзлаб янги навлари жорий этилган.

Сарфланган меҳнат эвазига қўллаб-қувватлаб боғдорчилик маҳсулотларини етиштириш соҳасида Ўзбекистон Совет Иттифонининг боғдорчилик-узумчилик районлари ўртасида биринчи ўринни эгаллайди. Илкор хўжаликларда гектар бошига 80—100 центнердан мева 150—200 центнердан узум ҳосили олинапти. Ичкилобдан илгарини боғбонлар ўн мингларча гектар ерлардан ўрта ҳисобда бўлган юқори ҳосил етиштиришни ҳаётларига ҳам келтириляптилар. Қудратли техника билан қуролланган, илкор фан тотукларидан баҳраманд бўлаётган бизнинг боғбон ва соҳибдорларимизгина ана шундай киши ҳавасини келтирувчи зафарларга эришмоқдалар.

Бизнинг областимиз мева ҳосилдорлиги, боғдорчилик ишларини механизациялаштириш даражаси, етиштириляётган навларнинг турли-туманлиги жиҳатидан республикада биринчи ўринни эгаллайди.

Республикада ишлаб турган виночилик заводлари ҳар маъсумда кам деганда 10 миллион декалитр вино ишлаб чиқараяпти. Бу 1913 йилдаги қараганда ролла-росса йигирма баравар кўп демакдир! Қуруқ мевалар тайёрлаш икки ярим баравар кўпайтирилди. Консерва саноати эса ил сайин 50 миллион банкадан кўпроқ мева ва узум консерваларини ишлаб чиқармоқда.

Иттифонимиз бўйича етиштириляётган узумнинг 24 процент республикаимизда, 11 процент областимизда етиштирилямоқда. Пойтахт областининг индустриyasi Ўзбекистоннинг ҳамма еридан хомашё сифатида келадиган мева-чеваларнинг 36,5 процентини қайта ишлаб чиқармоқда.

Қисқаси, Ўзбекистон юксак даражада интенсиվлашган, ҳозирги илмий-техника асосида кескин юксалаётган боғдорчилик ва узумчилик республикасига айланди. Гузал боғ-роғлар яратиб, мева-чеваларнинг турини кўпайтириш, ширалик даражасини ошириш, боғдорчилик ишларини комплекс механизациялаштириш сингари буюк ишларда академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтини коллективининг қўшаётган ҳиссаси салмоқли бўляпти.

Бу саҳифада шу институт директори академик Р. Р. Шредернинг шогирдларидан бири, кишлоқ хўжалиги фанлари кандидати М. Мирзаев боғдорчилик ва узумчилик соҳасида иш олиб бораётган олимларнинг ярим аср мобайнида босиб ўтган йўли, ҳозирги пайтда қилаётган ишлари тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

А СРИМИЗ энди бошланган давр эди. 1904 йил навбодхорида Тошкент яқинидаги Қиёрай кишлоғига извошда бир йилгит бориб тушди. Земский агрономи формасини кийиб олган бу йилгит, афтидан, бу ерларга биринчи келиши эди. У ён-атрофини бироз қўздан кечиргач, қўчанинг нариғи бетига ўтиб, бир ҳовлининг эшигини тақиллатди. Вироздан сўнг оппоқ соқоли кўксига тушиб турган бир нуроний отахон эшикни очди.

ОТАХОҲ СОҲИБКОР

— Салам алейкум, отең! — деди ҳалиги йилгит. Кейин эндигина ўрганаётган ўзбек тилида қийналиб-қийналиб унга ўз фикрини тушунтирди. Отахоннинг боғини бир кириб кўрмоқчи эди.

Чолининг чеҳрасида илқ табассум пайдо бўлди:

— Марҳамат, киравер болам, киравер.

Улар ичкарига киришди. Отахоннинг боғи чоргоғида бўлиб, беш-олти туп олма ва олхўрсин, бир неча туп токи бор эди. Аммо, боғ саришта-сарамжон: дарах таналари оқлаб қўйилган, боғнинг ичи майин қилиб юмшатилаган, тоқлар сўрита усталик билан қубурилан. Отахоннинг нозик табияти боғбон эканлиги шундай кўриниб турарди.

— Илгига қанча ҳосил оласиз, ота? — деди йилгит.

— Э болам, қанча ҳам ола-қолардим дейсан! Тер ўқиб ишлаб, дарахларимни гулла-тиб, ҳосилга киришиб энди роҳат қиламан деб турганимда ҳашарот курғур босиб кетлади, мевани илпириб кетди. Ўйганим мен эмас, кишлоқимиздаги ҳамма боғбонларнинг аҳвали шунақа, болам. Билмадим, ҳушода нима гуноҳ қилган эканми? Ёйр йилмас, икки йилмас, ҳар йили ҳашаротнинг юбраверади, юбраверади...

Ушш кунин йилгит яна уч-тўрт боғбоннинг ҳузурида бўлиб, улар билан суҳбатлашди. Ҳаммасининг ҳам гали бир ҳулосага келиб тақалади: меҳнат кўп сарфланаверади-ю, аммо қўчдан ҳосилнинг маъноси йўқ. Меванинг кўп қисmini ҳашаротлар еб битиради. Боғбон бу сав-сановсиз ҳашаротлар олдига оқиниб қилиб қолади.

Бу йилгит — Рихард Шредер эди. У ўзининг шундан кейинги бутун ҳаётини боғдорчиликни ривожлантириш, ўзбек боғбонларининг маҳоратини ошириш ишига бағишлади. Рихард Рихардович ҳаммасабаларига шундай дерди:

— Ўзбекистоннинг ерлари олтин ерлар. Бу ерлар ҳозиргига қараганда ўн баравар кўп ҳосил беришга қўриб етади. Тагин қанча ҳосил дегга, олмас Кўбань олмасидан, узуми Қрим узумидан ўтса ўтиб тушадик, асли қолшимайди! Сал кейинроқ Рихард Рихардович Ўрта Осиёда биринчи боғдорчилик ва узумчиликнинг илмий марказини бунёдга келтиришнинг ташкилотчиси бўлди. Дастлаб кичкина бир тажриба станицаси ташкил этилди. Кейинчалик шу станица асосида республика боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти вужудга келди.



Суратда: институт директори М. Мирзаев бир группа олимлар ва мутахассислар билан институтда амалга оширилиши зарур бўлган масалалар устида маслаҳатлашмоқда.

хардович ҳаммасабаларига шундай дерди:

— Ўзбекистоннинг ерлари олтин ерлар. Бу ерлар ҳозиргига қараганда ўн баравар кўп ҳосил беришга қўриб етади. Тагин қанча ҳосил дегга, олмас Кўбань олмасидан, узуми Қрим узумидан ўтса ўтиб тушадик, асли қолшимайди!

Сал кейинроқ Рихард Рихардович Ўрта Осиёда биринчи боғдорчилик ва узумчиликнинг илмий марказини бунёдга келтиришнинг ташкилотчиси бўлди. Дастлаб кичкина бир тажриба станицаси ташкил этилди. Кейинчалик шу станица асосида республика боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институти вужудга келди.

БОҒЛАР

БУЊЕДКОРЛАРИ

ИНСТИТУТИМИЗ НИНГ ярим аср мобайнида босиб ўтган йўли беғиёсдир. Ичкилобдан илгари Ўзбекистоннинг ҳозирги территориясида боғдорчилик ва узумчилик соҳасида олиб бориладиган илмий-текшириш ишларининг ҳажми жуда ҳам кичик эди. Бу соҳада иш олиб борадиган махсус илмий муассаса йўқ эди. Фақат Туркистон кишлоқ хўжалиги тажриба станицасига баъзан бир тадқиқот ишларини олиб борарди, ҳолос.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин партия ва ҳукуматимиз ҳақ хўжалигининг барча тармоқлари қатори боғдорчилик ва узумчиликни кескин ривожлантириш чораларини қўра бошлади. Бунинг учун махсус илмий марказ ҳам керак эди. Боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланадиган зонал станица ташкил этилиб, унга кўпгина олимлар жалб қилинди. Орадан бирор йил ўтгач, бу станица мустақил равишда илмий иш олиб борадиган бўлди. 1939 йилда станицага академик Р. Р. Шредер номи берилди.

Иллар ўтиши билан бу илмий марказда тадқиқот ишлари тобора кенгайиб бораверди. Айниқса Улуғ Ватан урушидан кейин бу ишларнинг ҳажми беғиёс кенгайиб кетди. Станица илмий-тадқиқот институтига айлантирилди. Шундан кейин боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланувчи барча илмий муассасалар, тажриба станицалари шу институт илтиёрига ўтказилди. Илмий-тадқиқот ишлари республикаимизнинг турли табиий-иқтисодий зоналари ҳуссиятини ҳисобга олган ҳолда умумий тематик проблемалар плани асосида олиб борилади.

Шундай қилиб оланинг областимиз боғдорчилик ва узумчилик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришнинг марказига айланди. 1961 йилда республикадаги 12 та мева қўчати етиштирувчи совхознинг ҳаммаси институтимиз илтиёрига

берилди. Илмий ва амалий ишлар бирлаштирилгандан сўнг эришлядиган натижа тагин ҳам қувватли бўла бошлади. Беш йил мобайнида мева дарахлари қўчати тайёрлаш икки баравар кўпайди, уларнинг нави анча лхшиланди.

Бурноғ йили эса институтимиз илтиёрига, кишлоқ хўжалиги техникуми ҳам ўтказилди. Бу техникумининг урта факультетида 750 студент таълим олмақда. Институт қўшида колхоз-совхоз боғбонларининг бир йиллик мактаби ҳам ташкил этилган. Ҳар йили бу мактабда 150 боғбон малака ва тажрибасини оширади.

Шундай қилиб, Совет ҳокимияти ишларидан соғин кичик бир кишлоқ хўжалиги станицаси заминида Ўрта Осиёнинг энг йилри боғдорчилик ва узумчилик илмий-тадқиқот маркази бунёдга келди.

ЯНГИ НАВЛАР, ШИРИН-ШАКАР МЕВАЛАР

АКАДЕМИК Рихард Рихардович Шредернинг беғоси та раҳбарлиги остида олимлардан Л. М. Ро, И. П. Негоднов, А. А. Дилевский ва бошқа ўртоқлар Ўзбекистонда боғдорчилик ва узумчилик масалаларини илмий асосда ҳал қилиш ишини бошлаб берган эдилар. Улар мевали дарахлар ва тоқларнинг ҳосилдорлигини ошириш, навини яхшилаш борасида бир қатор қимматли тадқиқотлар қилишди.

Институтимизда олимлардан Н. В. Ковалев, А. А. Рибак, А. Ф. Бибинова ўртоқлар узоқ йиллар мобайнида унумли ишлашди. Рихард Рихардовичнинг шогирдларидан А. Г. Шредер, М. В. Якушев, С. И. Якудина, С. Шарипов, Р. Г. Бороздин, М. Собиров, Т. А. Вдовцева, Х. Гуломов сингари олимлар қилган ва қилаётган илмий ишлар мақтовга сазовордир. Улар институтнинг бутун коллектив билан биргаликда боғдорчилик ва узумчилик проблемаларини ҳал қилиш ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Олимларимизнинг самарали меҳнатлари туфайли бир қанча қимматли ишлар амалга оширилди. Улар республикаимизда, жумладан областимизда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантиришнинг бош перспективасини ишлаб чиқдилар. Институтимиз республиканинг барча табиий-иқтисодий зоналарида сабаботчилик ва узумчиликни ихтисослаштириш асосида ривожлантиришнинг рационал системасини ишлаб чиқди ва колхоз-совхозларга тавсия этди.

Олимларимиз яратган методика туфайли йилри-йилриқ донли, юқори ҳосили узум нави бунёдга келди. Юқори ҳо-

силли навларни бир-бирига ча-тиштириш ҳисобига мева ва узумларнинг стандарт навлари анча яхшиланди. Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган 219 та стандарт навининг 125 таси институтимиз селекционерлари томонидан яратилган. Улар ҳаммаси бўлиб 193 нави чиқариб, боғдорчиликка жорий қилинган. Бундан ташқари мевали дарахлар ва тоқларнинг совуққа ҳамда шўр ерларга чидам-лигини оширишнинг назарияси ҳам яратилди.

Айниқса, тоқларни олма шпалерлар ва темир-бетон сўриларда парвартиш қилишнинг ўйлаб-чиқилиши соҳибдорларнинг ишини анча енгиллаштирди, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олди. Бундай шпалер ва темир-бетон сўрилар бир умр чирмайди. Илгари ёғоч сўриларни тез-тез алмаштириб туришга тўғри келарди. Бундан ташқари янги усул тоқзорлардаги ишларни механизациялаштиришга кенг имконият туғдирмоқда. Ҳозирги пайтда республикаимиздаги 1200 гектарга яқин майдондаги тоқлар ана шундай янги усул билан парвартиш қилинмоқда.

Мевали дарахт ниҳолларини парвартиш қилишнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Бу усуллар жорий қилинаётганидан бери ниҳол етиштириш 30 процентга кўпайди, қўчталарнинг сифати яхшиланди, уларга сарфланадиган меҳнат харажатлари 15—20 процентга қисқарди.

Маъзумки, кишлоқ хўжалиги зараркундалари, ҳашаротлари ва касалликлари боғ ва тоқзорларга катта зиён етказди. Институтимиз коллективни боғбонларга ана шу жиҳатдан ҳам катта ёрдам беряпти. Ҳашаротларга қарши курашнинг янги, прогрессив усуллари ишлаб чиқилди. Бунда химиявий дориворлар сарфлаш 20 процентга қисқаради. Меҳнат сарфлари эса беш-олти баравар камайд.

Боғдорчилик ва узумчиликни кенгайтиришнинг резервларини ахтариб топиш ҳам институтимиз олимларининг диққат марказида турибди. Улар тоғли районларда 40 минг гектар ерни ўзлаштириб, яқин 6—8 йил ичида ҳосилдор боғ-роғларга айлантириш мумкин эканлигини аниқладилар. Бу иш амалга оширилса, уш ерлардаги колхоз-совхозларнинг экономикаси юксалади, боғдорчилик маҳсулотлари кўпаяди.

Юбилей йилида институтимизнинг барча бўлим ва лабораториялари ўз илмий-тадқиқотлари ҳажминини анча кенгайтириш ва колхоз-совхозларнинг тажрибаворлари билан ҳамкорликда амалий ишлар қилмоқдалар. Ҳар йили илмий ходимларимизнинг беғосида иш-тироқда колхоз-совхозларда янги боғ-роғлар бунёд этилмоқда. Ўйганим Мирзаевнинг ўзидан 1200 гектар янги боғ бунёд этилди.

Ҳозир институтимизда ва унинг филиалларида 155 илмий ходим ишляпти. Улардан 35

киши фан докторлари ва кандидатларидир. Институтимиз чет мамлакатлардаги 72 та илмий муассаса билан алоқа боғлаган.

Қисқаси, республикаимиз ва областимиз боғдорчилигини тагин ҳам юксалтириш ишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаятган олимларимиз илмий изланишларини қизгин давом эттирмоқдалар.

ОРОЛДАН СУРХОНГАЧА

БУНДАН кўп йиллар муқаддам Земский агрономи Рихард Шредер ўз тақиқот ишларини Тошкент воҳасидаги қишлоқда олган эди. Ҳозир эса унинг номидаги институтимиз ўзининг илмий-тадқиқот ишларини жуда кенг майдонда — Орол денгизининг совуқ қирғоқларидан то Сурхондарёнинг субтропик ерларига қадар бўлган масштабда ҳаётга татбиқ қилмоқда. Республиканинг узоқ-яқин ерларида институтимизнинг филиаллари тажриба ишларини муваффақиятли ўтказмоқдалар. Пойтахт области боғдорчилик ва узумчиликнинг илмий маркази сифатида бу филиалларга машаадек кур тартиб турибди.

Самарқандда энг йилри филиалларимиздан бири жойлашган. Тошкентлик олимлар ёрдами билан бу ерда янги экспериментал база ташкил этилди. Асрлар мобайнида ташландиқ бўлиб ётган ерларда ҳозир беғос боғ-роғлар бунёдга келган. Бу филиалда узумчиликни ривожлантириш юзасидан назарий тадқиқотлар ва амалий тажрибалар ўтказилляпти.

Бўстонликдаги филиалимизда эса тоғли ерларда боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш проблемаларини ҳал қилиш юзасидан қимматли ишлар олиб бориляпти. Тошкентлик олимлар томонидан Мирашўл филиали ташкил этилди. Унда шўр ерларда мева дарахлари ва тоқлардан қандай қилиб мўл ҳосил етиштириш мумкинлиги илмий асосда ўрганилмоқда.

Институтимизга қарашли мева дарахти қўчталарини етиштирувчи 12 та совхоз ҳам ил сайин яхши натижаларга эришмоқда. Уларда ҳар йили миллионларча туп мевали дарахт қўчталари ва тоқ қаламчалари етиштириляпти. Барча тажриба ва ишлаб чиқариш ҳўжаликларимизнинг экин майдонлари 6787 гектарни ташкил этади. Бу хўжаликларнинг ҳар бири ил сайин ортиқча даромад келтирмоқда. Умуман институт бўйича олганимизда, қўриляётган даромад ярим миллион сўмдан ошиб кетмоқда.

Шонли йўлни босиб ўтган коллективимиз бундан бун ҳам республикада, жумладан пойтахт областидан боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшаверади.



★ Агрохимия бўлимининг катта илмий ходими Н. Хўжаева кичик илмий ходим М. Юсуфхўжаев билан биргаликда тупроқдаги озуқа моддалари қай даражада эканлигини текширишдан ўтказишмоқда.

★ Институтнинг тажриба участкаларида дарахларни қўқламги буташ пайти. Суратда: институтнинг катта илмий ходими Ю. М. Жавакян (чапда) ва участка агрономи Наби Шокиров Олма Отаевга дарахт учаларини қандай кесилини кўрсатишмоқда.



